

Ахмад Фарғоний номидаги  
вилоят ахборот-кутубхона маркази  
Услугиёт бўлими

# Муаллифлик ҳуқуқи



Фарғона – 2015

## Электрон ресурслар яратиш ва фойдаланишнинг ҳуқуқий жихатлари

Ўзбекистонда ҳозирги кунда электрон кутубхоналар яратиш ва кутубхона иш жараёнларини автоматлаштириш билан боғлиқ ахборот соҳаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, электрон шаклда ахборотларни кўпайтириш ва тарқатиш арзонлиги ва оддийлиги инсоннинг интеллектуал меҳнати маҳсули бўлган ижодий асарларни яратиш учун катта имкониятлар яратиш билан бирга, рақамли шаклда ифода этилган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланувчилар ҳамда муаллиф ҳуқуқи манфаатлари ўртасида низолар келтириб чиқаради.

Кўпчилик ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ва ахборот кутубхона марказлари (АКМ) электрон каталоглар, тўла матнли маълумотлар базалари ҳамда мультимедиа кўринишидаги ўз электрон ресурсларини яратмоқдалар. Мақолалар, журналлар, китоблар, дарсликлар ва бошқа асарлардан фойдаланишда кўпинча муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Муаллиф унинг асари электрон шаклда бўлишини, эркин фойдаланиш учун Интернетда ёки очиқ фойдаланиш ёки сотиш учун локал тармоқда тақдим этилишига рози бўлармикан? Ўқитувчи ўзининг маърузаларини университет ёки мактаб электрон кутубхонасига тақдим этишни хоҳлайдими? Ўзимизнинг электрон дарслиklarимиз, мақолаларимиз, тўпламларимиз ва шу кабиларга чет эллик муаллифларнинг асарларини уларнинг ёки нашр этувчининг розилигисиз киритишимиз тўғримики? Ушбу муаммо фақатгина электрон ресурсларни яратиш бўйича ишлар энди бошланаётган мамлакатлардагина пайдо бўлмайди. Чет эл нашрлари, ОАВларида, ривожланган мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалалари билан боғлиқ суд жараёнлари тўғрисидаги мақолалар тез-тез учраб турибди. Глобал ахборот муҳитида ўзларининг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган муаллифлар кўпайиб бормоқда. Асарларни электрон кўринишда тақдим этишнинг ўзига хослиги, Интернет ва ахборотларни тезкор тарқатиш учун телекоммуникациялар ва бошқа воситаларнинг катта имкониятлари дарслик, мақола, журнал бўлсин, асар яратувчисининг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш каби муаммони келтириб чиқаради.

Шунинг учун асар муаллифлари қанчалик ҳимояланганликлари АРМ ва электрон ресурслар яратувчи бошқа ташкилотлар ҳам ушбу асарлардан фойдаланишга ҳақлими? Республикада қандай қонунлар ва ҳуқуқат қарорлари мана шу долзарб мавзунини ҳал этишга йўналтирилганлиги боис, ушбу муҳим жихатларни пухта ўрганиб чиқиш керак.

Электрон фондлар эгалари бўлмиш АРМ, АКМ ва кутубхоналарда муаллифлик ҳуқуқи масалалари кун тартибига чиқмоқда.

- "Муаллифлик ҳуқуқи" (МХ) тушунчасининг ўзи XVIII асрнинг бошидаёқ пайдо бўлган. Ушбу ҳуқуқнинг асосий мақсади - инсоннинг интеллектуал фаолиятини ҳимоя қилиш ва тақдирлаш ҳисобланади.

МХ термини икки хил мазмунга эга:

- Ўзининг ишини тақдорлаш ёки оммавий тақдим этиш мумкинлиги тўғрисидаги қарорни қабул қилиш - муаллифнинг шахсий ҳуқуқи;

- Муаллиф ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юридик тизими, моддий-ҳуқуқий тизимнинг бир қисми.

МХ асарларга ўзининг умумий қаттиқ талабларини қўяди:

- Муаллиф ўз ишига - маънавий ҳуқуқига эга;

- Ҳеч ким муаллифнинг руҳсатисиз уни ўзгартириши ёки муаллифнинг фамилиясини кўрсатмасдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас;

- Муаллиф бажарган иши учун мукофот олиш ҳуқуқига ҳам эга;

- Продюсер/нашриётчи ҳам кўпчилик ҳолларда қўшган ҳиссаси учун мукофот олиши керак.

Барча ҳолатларда ҳам ушбу қаттиқ талаблар қўйиладими? Ҳар доим ҳам муаллифлик ҳуқуқининг қаттиқ талабларига амал қилиш зарурми? Агар шу масалани чуқурроқ таҳлил қилиб

чикилса, умумий қаттиқ қоидалардан қатор четланишларни кўрсатиш мумкин. Бу асосан МХ учун маълум чегирмалар нима мақсадда берилишига тааллуқлидир: Таълим мақсадларидами? Маданиятни ривожлантириш мақсадларидами? Ижтимоий мақсадлардами?

Кутубхона - бу ахборот ресурсларидан фойдаланиш фаоллиги энг кўп кузатиладиган соҳа бўлганлиги учун, кутубхона ходимлари қандайдир алоҳида шартларни ҳисобга олиб ахборот ресурслардан фойдаланиш чекланишлари ҳамда имкониятлари доирасини ўрганишлари зарур. Кутубхоналар энди нафақат китоб ва кассеталар каби физик объектларга эга, балки Интернет тармоғидан ва бошқа рақамли ахборот-ресурслар (электрон журналлар, маълумот базалари ва шу кабилар)дан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмоқдалар.

Кутубхоначиларда янги ташвишлар ва вазифалар пайдо бўлмоқда:

Электрон ресурслардан фойдаланиш тартиби тўғрисида лицензияли келишувларни тузиш. Улар кутубхона фондининг бир қисми сифатида тармоқ ҳужжатларини танлаб олиш, баҳолаш ва солиштиришни ўрганиб олишлари керак.

Шартнома ва шартнома ҳуқуқини ўқиш учун қўшимча билим ва кўникмалар олишлари ҳамда музокаралар олиб бориш кўникмаларини эгаллашлари керак. МХга амал қилиш илмий, илмий-оммабоп, бадиий ва бошқа асарларни рағбатлантиришда бу муҳим аҳамиятга эга. Ўз асарларини кутубхоналарда эълон қилиш ва тақдим этишга ижодий шахсларни жалб қилиш учун самарали рағбатлантириш механизмларини топиш зарур. Ривожланган чет давлатларда тадқиқот муаллифлари кутубхоналарда эркин фойдаланишлари учун ўз асарларини кутубхонага тақдим эта олишлари муҳим сабаблардан бири - бу муаллифнинг мақолалари ёки китобидан фойдаланиш сонини ортишини кўрсатади. Мана шунинг ҳисобига унинг асарларига ўқувчиларнинг қизиқишлари ва талаб даражаси ўсади.

Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам кутубхона муаллиф билан лицензияли келишув тузиши керак. Келишув тузишда қатъий стандартлар мавжуд эмас, аммо муаллиф билан имзоланишида амал қилиниши керак бўлган жиҳатлар бор. Булар нималардан иборат?

Одатда лицензияли келишувларда қуйидаги тушунчаларга оид моддалар бўлади:

- Келишув томони;
- Декларатив қисми;
- Келишув изоҳлари;
- Аниқлик киритиш;
- Қонунни танлаш;
- Шартноманинг асосий қисми;
- Ушбу лицензия томонидан бериладиган ҳуқуқ;
- Қўллаш чекланишлари ;
- Амал қилиш муддати ва фаолиятни тўхтатиш санаси;
- Етказиб бериш усули ва лицензиялаштирилган материаллардан фойдаланиш;
- Лицензион тўлов;
- Лицензия эгасининг (кутубхонанинг) ҳаражатлари;  
Бажариш ва баҳолаш кафолатлари, мажбуриятлар, зарар ўрнини тўлдириш;
- Форс-мажор;
- Ҳуқуқини сотиш (бериш);
- Хабардор қилиш;
- Келишмовчиликларни ҳал қилиш;
- Қўшимча ҳужжатлар;
- Имзолар.

Дунёнинг кўпчилиқ мамлакатларида бўлгани каби, Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқлари 2006 йил 21 июлда қабул қилинган "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонун билан белгиланади. Мазкур Қонунга Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2011 й. ЎРҚ-311-сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

- 1-боб. Умумий қоидалар (1-3-моддалар)
- 2-боб. Муаллифлик ҳуқуқи (4-42-моддалар)
- 3-боб. Турдош ҳуқуқлар (43-55-моддалар)

4-боб. Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий бошқариш (56-60-моддалар)

5-боб. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш (61-66-моддалар)

6-боб. Яқунловчи қоидалар (67-70-моддалар).

Афсуски, электрон нашрлар билан боғлиқ пунктларни ҳисобга олиш мумкин бўлган моддалар ёки алоҳида қонун ҳали йўқ, аммо ҳозирги пайтда асарлардан кутубхоналарда фойдаланишда МҲни ҳимоя қилиш учун ушбу Қонуннинг қатор моддаларидан фойдаланишимиз мумкин. Электрон ресурслардан нусха олиш, шакллантириш ва ёзма ҳамда электрон версиялари тарқатишда кутубхоналар амал қилишлари мумкин бўлган Қонуннинг энг муҳим моддаларини кўриб чиқамиз.

**4- моддага** биноан "МҲ қуйидагиларга тааллуқли: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланган ёки Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойга эга бўлган муаллифлар асарлари ёки бошқа МҲ дастлабки эгаларига; муаллифларнинг фуқаролиги ва доимий турар жойидан қатъий назар, биринчи бор Ўзбекистон Республикасида эълон қилинган асарларга; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига биноан Ўзбекистон Республикасида кўриқланадиган асарларга".

**5- моддага** биноан Муаллифлик ҳуқуқи (МҲ) адабиёт асарларига ҳам тааллуқли. Электрон ресурсларни, электрон маълумотлар базаларини, электрон кутубхоналарни яратишда кимнингдир асаридан фойдаланадиган бўлсак, ушбу моддага амал қилишимиз керак бўлади. МҲ бирор-бир объектив шаклда бўлган, эълон қилинган ҳамда эълон қилинмаган асарларга ҳам тааллуқли: ёзма (қўлёзма, машинада терилган, нота ёзуви ва шу каби); овозли ёки видео (механик, магнитли, рақамли, оптик ва шу каби); тасвир (расм, эскиз, картина, план, чизма, кино, теле, видео ёки фотокадр ва шу каби); бошқа форматларда.

**6- моддага** биноан қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи ҳисобланади:

- адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқ.);
- драма ва сценарий асарлари;
- матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;
- мусиқали драма асарлари;
- аудиовизуал асарлар;
- фотосурат асарлари ва фотосуратга ўхшаш усул билан олинган асарлар;
- география, геологик ва бошқа хариталар, планлар, эскизлар ва географияга, топография ҳамда бошқа фанларга оид асарлар.

Шундан келиб чиққан ҳолда агарда дарсликлар, илмий мақолалар, китоблар ва бошқаларни рақамли турига айлантирмоқчи бўлсангиз ушбу асарлардан ихтиёрий фойдаланиш, кўпайтириш бўйича Қонуний чекланишларни ҳисобга олишга мажбурсиз.

**7- моддага** биноан асарларнинг бир қисми, асарнинг ҳосиласи ва таркибий қисмлари ҳам муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланишини эсда тутиш зарур. Бунга қуйидагилар қиради:

мустақил фойдаланилиши мумкин бўлган асарнинг бир қисми (шу жумладан, унинг номи); асарнинг ҳосилалари (таижималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, содалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг қайта ишланмалари); тўпламлар (энтциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танлаб олинishi ёки жойлаштирилганлигига кўра, ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, электрон тўлиқ матнли маълумотлар базасини ва мультимедиали маълумотлар базасини яратишда кимнинг асарларидан, қай даражада (тўлалигича ёки қисман, матнли ёки мультимедиали шаклда) фойдаланаётганлигини ҳисобга олиш керак.

Расмий ҳужжат (қонунлар, қарорлар ва шу каби)лар ҳамда уларнинг таржималари; расмий белгилар ва рамзлар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар); одатий оммавий ахборот хусусиятига эга кун янгиликлари тўғрисидаги ёки кундалик ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар МҲ объектлари ҳисобланмайди. Ушбу ҳужжатлар агар матбуотда эълон

қилинган ёки жамоатчилик хабардор бўлса, ҳеч бир махсус рухсатларсиз ва келишувларсиз электрон маълумотлар базасига киритилиши мумкин.

Ким асарнинг муаллифи ҳисобланади? Муаллифлик ҳуқуқининг барча қоидаларига амал қилиш учун кимга мурожаат этиш керак? Асарнинг асл нусхаси ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс муаллиф ҳисобланади **(10-модда)**.

Асар имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади, ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошқор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади. Аммо асар бир неча муаллифлар томонидан ёзилган бўлиши мумкин. Ҳамкорликдаги асарга МҲ шундай асар ажралмас яхлитлик ташкил қиладими ёки ҳар бири мустақил аҳамиятга эга қисмлардан ташкил топадими, бундан қатъий назар, ҳамкорликда ҳаммуаллифларга тегишли бўлади. Шу билан бир вақтда, муаллифлар ўртасида қандайдир расмий келишувлар бўлмаса ҳаммуаллифлардан ҳар бири мустақил аҳамиятга эга бўлган ўзи яратган асарнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқига эга **(12-модда)**.

Кўпинча қандайдир асарлар қайта ишланади. Бу ҳолат одатда илмий асарлар, китобларга кузатилади. Уларнинг асосларида бошқа муаллифлар тўлдиришлар ва қўшимчалар билан ўз асарларини яратадилар. Яъни умуман олганда янги асар пайдо бўлади. Агар яратилаётган электрон ресурсда бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланилган бўлса моҳияти бўйича асарнинг ҳосиласи ҳисобланади. Асар ҳосиласи муаллифига у қайта ишлаган адабиёт ва санъат асарига МҲ тегишли бўлади **(13-модда)**.

Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишланган асарнинг муаллифи ҳуқуқларига амал қилиш шарти билан ўзи яратган асарга МҲ дан фойдаланади. Булар дастлабки муаллифга илова ёки қандайдир келишувлар бўлиши керак. Ҳосила асарнинг муаллифи МҲ қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар томонидан қайта ишлашларига тўсиқ бўлмайди. Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усул билан фойдаланиш ҳуқуқига эга **(19-модда)**. Яъни ўз асарларини рақамлаштиришга, маълумотлар базасида сақлашга, Интернет орқали тарқатиш учун бериш ёки бермаслигини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

Асардан фойдаланишга муаллифнинг фавқулодда ҳуқуқи куйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

- асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки бошқа хусусийлилик ҳуқуқини (тарқатиш ҳуқуқини) бериш билан тарқатиш. Масалан: муаллиф асарнинг рақамлаштирилган версияси ушбу кутубхонанинг локал маълумотлар базасида сақланиши мумкинлиги шарти билан ўз асарини кутубхонага бериши мумкин;

- асарни ўзгартириш, безаш ёки бошқа усул билан қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

- муаллиф асаридан ҳар бир фойдаланиш тури учун мукофот олиш ҳуқуқига эга (мукофот олиш ҳуқуқи).

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганми ёки ундан фойдаланишда буни кўзланганми, бундан қатъий назар, у фойдаланган ҳисобланади. Ўз ўқувчиларига бепул тақдим этиш учун асарни рақамлаштирган, аммо буни муаллиф билан келишмаган кутубхоналар, АРМлар ҳам МҲни бузган ҳисобланадилар.

"Қайси асарлардан муаллифнинг рухсатисиз фойдаланиш мумкин?", "Муаллиф оламдан ўтган бўлса нима қилиш керак?", "Қадимий қўлёзмалар, нодир асарларни нима қилиш мумкин?", "Улар кимнинг мулки?", "Уларни ортиқча қоғозбозликсиз рақамлаштириш мумкинми?" деган саволлар жуда муҳим.

Асар муаллифининг ёки бошқа ҳуқуқ эгаси розилигисиз ва мукофот бермасдан кутубхоналар эркин фойдаланиладиган асарлар нусхаларини вақтинчалик фойдаланишга тақдим этишлари мумкин. Бунда муаллифик ҳуқуқи объектлари бўлган, рақамли шаклда ифодаланган асарларнинг нусхалари, шу жумладан кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланиш тартибида бериладиган асарларнинг нусхалари, бу асарларнинг рақамли шаклдаги кўчирма нусхаларини

яратиш имкониятини истисно этиш шарти билан фақат кутубхоналарнинг биноларида вақтинчалик фойдаланишга берилиши мумкин **(26-модда)**.

Асардан фойдаланишда муаллифнинг исм-шарифини ва олинган манбаани кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланилишига зарар етказмасдан ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шарти билан қуйидаги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилади:

- даромад олишни кўзламаган ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исм-шарифини ва олинган манбаани, албатта, кўрсатган ҳолда бир нусхада репрографик такрорлашга йўл қўйилади **(27- модда)**;

- кутубхоналар ва архивлар томонидан асарнинг йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек, ўз фондларидан бу асарларни бирон сабаб билан йўқотган бошқа кутубхоналар ва архивларга асарларнинг нусхаларини бериш учун чоп этилган асарни;

- кутубхоналар ва архивлар томонидан фуқароларнинг ўқув ва тадқиқот мақсадларидаги сўровлари бўйича, шунингдек, таълим муассасалари томонидан аудитория машғулоти учун тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда чоп этилган айрим мақолалар ва кичик ҳажмли асарларни, чоп этилган ёзма асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчаларни бир нусхада кутубхона ўз ўқувчилари учун мана шундай ихтисослаштирилган электрон кутубхоналарни яратиши мумкин. Қонун дастурли маҳсулотлар ва маълумотлар базалари эгалари ва фойдаланишга МҲни ҳам қамраб олади. ЭҲМ учун дастурнинг ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонуний эга бўлган шахснинг кейинчалик шахсий фойдаланиш мақсадида ЭҲМ учун дастурини ёки маълумотлар базасини эркин такрорлашга ва соддалаштиришга бўлган ҳуқуқи қонун билан белгиланади **(32-модда)**.

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади **(35-модда)**. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охирги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Агар асарнинг муаллифи ва ҳаммуаллифлар эллик йил илгари вафот этган бўлсалар кутубхона ҳеч бир махсус рухсатларсиз электрон ресурслар яратиши ва уларни локал тармоқда, Интернетда ҳамда сотиш учун тақдим этиши мумкин.

Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Яъни кутубхонада сақланадиган қадимий қўлёзмалар қўшимча рухсатларсиз рақамлаштирилиши мумкин.

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари мерос бўйича ўтади **(36-модда)**.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари мерос бўйича ўтмайди. Муаллифнинг меросхўрлари кўрсатилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ҳақлидир. Меросхўрларнинг ушбу ҳуқуқлари муддат билан чекланмайди. Асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатининг тугаши уларнинг ижтимоӣ мулкка айланишини билдиради **(37-модда)**.

Мулкӣ ҳуқуқлар фақат муаллифлик шартномасини тузиш йўли билан ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин **(38-модда)**.

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Муаллифлик шартномаси (ёки лицензия келишуви)да қуйидагилар назарда тутилиши керак:

- асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган конкрет ҳуқуқлар);

- асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари **(39-модда)**.

Мисол учун, муаллиф ўз асарининг электрон шаклидан фақатгина ушбу кутубхона доираси (компьютер ўқув зали)да ва унинг ўқувчилари учун нусха олиш ҳуқуқисиз фойдаланишга рухсат бериши мумкин. У электрон версияни сотишда фоизларни талаб қилиши ёки ҳеч қандай чекланишларсиз кутубхонага ундан фойдаланиш тўла эркинлигини бериши мумкин. Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади. Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида бевосита назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади.

Шартномада, масалан, асарни онлайн фойдаланишда пуллик тақдим этилганда, фойданинг маълум қисмини тўлаш каби мукофот тури кўзда тутилиши мумкин. Бундай ҳолатларда манбага неча бор мурожаат этилганлиги, асардан неча бор нусха олинганлиги қатъий тарзда қайд этилиши керак.

Асар муаллифлари, ижрочилари ёки бошқа ҳуқуқ эгалари ўз мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида ўз мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар тузишга ҳақлидирлар **(56-60-моддалар)**.

Кутубхона консорциуми шундай ташкилот бўлиши мумкин. Консорциум, нотижорат ташкилот сифатида муаллиф билан асарнинг электрон шаклидан ва кутубхона - консорциум аъзолари доирасида фойдаланишга эксклюзив ҳуқуққа шартнома тузиши мумкин. Бу ҳолат консорциумга бирлашган кутубхоналарга ҳар бири алоҳида шартнома тузган ҳолатларга қараганда маблағни анча тежашга, муаллифга эса муносиб мукофот олишига имкон беради. Консорциум кутубхоналари кутубхоналардан бирига муаллифлар билан музокаралар олиб бориш ва консорциум номидан шартномалар имзолаш ваколатини беришлари мумкин.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг фаолиятига нисбатан монополияга қарши қаратилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чеклашлар қўлланмайди. Консорциум ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, шу ҳуқуқ эгаларининг номидан ва улардан олинган ваколатлар асосида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади (58-Модда):

- мукофот миқдорини ва шартномаларнинг тузилишига доир бошқа шартларни фойдаланувчилар билан келишиб олиш;
- консорциум бошқараётган ҳуқуқлардан фойдаланиш учун фойдаланувчилар билан шартномалар тузиш;
- ташкилот тўланадиган ҳақни йиғиш билан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда шартнома тузмасдан шуғулланган тақдирда, бундай ҳақ миқдорини фойдаланувчилар билан келишиб олиш;
- шартномаларда назарда тутилган ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш;
- бундай ташкилот ўзи бошқараётган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур бўладиган ҳар қандай юридик ҳаракатларни бажариш;
- шундай ташкилот томонидан белгиланган тартибда асарларни ва (ёки) турдош ҳуқуқлар объектларини, шунингдек, асарларга ва (ёки) турдош ҳуқуқлар объектларига боълган ҳуқуқлами бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олишни ва (ёки) сақлашга топширишни амалга ошириш.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартномалар асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин **(62-модда)**.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш қуйидагилар бўлиши мумкин:

- муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;
- ижрочининг исм-шарифига бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;
- ҳуқуқ эгаси ёки мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;
- асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;
- ҳуқуқ эгаларининг мулкый ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузишдир.

Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг такрорланиши ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга ошириладиган нусхалари контрафакт нусхалардир. Ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг бундай асарларни ва турдош ҳуқуқлар объектларини муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон муҳофаза қилинмаган давлатлардан ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз импорт қилинадиган нусхалари ҳам контрафакт нусхалардир.

Электрон ресурсларни яратиш ва фойдаланишда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича муҳим томонларини кўрсатиш мумкин.

1. Анъанавий ва электрон кўринишда тақдим этилганда қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади:

- адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);
- драма ва сценарий асарлари;
- матнли ёки матнсиз муסיқа асарлари;
- муסיқали драма асарлари;
- хореография асарлари ва пантомималар;
- аудиовизуал асарлар;
- рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари;
- манзарали-амалий ва сахна беаги санъати асарлари;
- фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;
- жуғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жуғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тархлар, эскизлар ва асарлар;

2. Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади. Электрон тўла матнли маълумотлар базасини ва мультимедиали маълумотлар базасини яратишда кимнинг асарларидан қай даражада (тўлалигича ёки қисман, матнли ёки мультимедиали шаклда) фойдаланаётганлигимизни ҳисобга олиш керак.

3. Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эга. Муаллиф кутубхонага ўз асарларини рақамлаштириш, маълумотлар базасида сақлаш, Интернет орқали тарқатиш учун рухсат бериши ёки рухсат бермаслиги мумкин.

4. Муаллиф ўз асаридан электрон кўринишда фойдаланганлиги учун мукофот олиш ҳуқуқига эга (мукофот олиш ҳуқуқи). Ушбу ҳуқуқ муаллиф ва кутубхона ўртасида махсус келишув билан белгиланади.

5. Муаллиф розилигисиз ва мукофот тўлашсиз қуйидаги ҳолларда уларнинг асарларини электрон кутубхонага киритиш мумкин:

- эллик йил илгари вафот этган муаллифларнинг асарларидан кутубхона тўсиқларсиз фойдаланиши мумкин;
- кутубхонада сақланадиган қадимий қўлёзмалардан ҳеч бир қўшимча рухсатларсиз рақамли кўринишга келтирилиши мумкин (**27-модда**).Шунингдек, даромад олишни кўзламаган



ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исм-шарифини ва, албатта, репрографик асар олинган манбани кўрсатган ҳолда, кутубхоналар ва архивлар томонидан - асарнинг йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек, ўз фондларидан бу асарларни бирон сабаб билан йўқотган бошқа кутубхоналар ва архивларга асарларнинг нусхаларини бериш учун чоп этилган асарни;

- кутубхоналар ва архивлар томонидан фуқароларнинг ўқув ва тадқиқот мақсадларидаги сўровлари бўйича, шунингдек, таълим муассасалари томонидан аудитория машғулоти учун тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда чоп этилган айрим мақолалар ва кичик ҳажмли асарларни, чоп этилган ёзма асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчаларни бир нусхада такрорлашга йўл қўйилади.

Шундай қилиб, электрон ресурсларни АРМ, АКМ ва кутубхоналарда яратиш ва улардан фойдаланишда муаллифлик тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш зарур.

**Тузувчи: Ш. Юнусова**